



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 16 апрел, сешанба №61 (1278)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

У.А.Исроиловни Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Улугбек Абдуқаюмович Исроилов Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2002 йил 15 апрел

ОЛТИНСОЙНИНГ ЖЎШҚИН ҲАЁТИ



Сурхондарёда «Телеком» шўъба корхонасининг Олтинсой филиалининг беминнат хизмати аҳоли эҳтиёжини тўла қондирилмас, шу билан бирор туман ёки марказий шаҳарга сим қокмокчи бўлсангиз албатта, Денов ёхуд бошқа туманга боришга мажбур бўлинди.

Ана шу муаммони ечиш ниятида туман фаоллари ҳокимликка мурожаат билан чиқдилар. Шўъба корхонасига янги бино қуриш масаласи тезда ҳал этилди. Ҳокимлик ҳашар йўли билан амалга ошириладиган бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлди. Ҳоким ва унинг муовинлари ўз ҳисобларидан юз минг сўмлик муруват кўрсатишди. Шу кунгича тумандаги 271-механизация-

лашган кўча жамланма қурилиш ишларини бошлаб юборди. «Қорлик», «Сайрқ», «Оқ олтин», «Пахтакор», «Алпомиш», Бобур номли ширкат хўжаликлари, туман марказий шифохонаси, халқ таълими бўлими, бошқа ташиқлот ва муассасалар ҳам ҳашардан четда қолмади. Хуллас, қисқа муддатда, яъни беш ой мобайнида қурилишга 53 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, алоқачилар уйи қуриб бит-

қазилди. Ҳозир техника жиҳозлари ўрнатилмоқда. Олтинсойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан «Новобод» ширкат хўжалиги ҳудудида 70 нафар қурувчимиз фаол қатнашаётир. Асадулла Кенжаев, Алишер Сулаймонов, Алишер Мўминов сингарилар сикидилдан ишлаб, кунлик топшириқни 2-3 баробар ошириб бажарилди. Дастурхонга уч маҳал бепул оссик оқват тортилмоқда. Ҳар ойда 30-35 минг сўмдан маош ва мукофотлар бериб турибмиз. Ой сайин «Энг яхши қурувчи» учун кўча байроқ ва 15 минг сўмдан мукофот

пули сифатли ишлаган ишчига бериб борилаётир. Туманимиз марказида бунёд этилаётган 600 ўринли Қурилиш-саноат касб-хунар коллежининг қиймати 1 миллиард 565 миллион сўмлик бўлиб, ҳозиргача 600 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Иш уч сменада барча шароитлар яратилган ҳолда ташкил этилган. Коллежни шу йил сентябр ойда топшириш режалаштирилган.

Салом НОРҚОБИЛОВ, 276-механизациялашган кўча жамланма бошлиғи.

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» мехмонхонасида Марказий Осиё ва Кавказorti давлатларининг экспортни назорат қилиш ва оммавий киргин қуруллари тарқалишига йўл кўймаслик масалаларига бағишланган VI халқаро анжумани бошланди.

фин қуруллари тарқалишига қарши курашда муассасаларо ҳамкорликни ривожлантириш, хавфни биргаликда бартараф этиш масалаларини муҳо-

ТЕРРОРИЗМ ВА ОММАВИЙ КИРГИН ҚУРОЛЛАРИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда АҚШ Давлат департаменти томонидан ташкил қилинди. Тадбирда Марказий Осиё, Кавказorti минтақалари ҳамда Европа мамлакатлари ва АҚШдан вакиллар иштирок этмоқда. Шунингдек, унда экспортни назорат қилиш, оммавий киргин қуруллари тарқалишига қарши курашиш, давлат чегараларини қўриқлаш, божхона, лицензиялаш ва ҳуқуқий меъёрларни белгилаш билан шуғулланувчи ҳамда бундай ишларга алоқадор давлат ва нодавлат ташкилотлари мутасаддилари ҳам қатнашмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазири А.Комилов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Р. Алимов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Ж.Хёрбст, АҚШ давлат департаменти экспорт ва санкциялар назорати бўлими директори Жон Шлоццер, мазкур тадбир иштирокчи давлатлар ўртасида хавфсизлик борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб беришига умид билдирди.

11 сентябр жоғеази инсониятга халқаро терроризм ва оммавий киргин қуруллари хавфи аллақачон оламшумул муаммога айланганини яна бир бор тасдиқлади. Мазкур анжумани ўтказишдан мақсад ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун қўриладиган зарур чора-тадбирлар, жумладан, халқаро миқёсдаги ҳамкорликни янада кучайтириш борасида жиддий фикрлашиб олишдан иборатдир.

Анжуман иштирокчилари тўрт кун давомида халқаро терроризм ва оммавий кир-

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ҚўШМА КОРХОНАЛАР ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?»

Газетамизнинг шу йил 1 март сонидида «Қўшма корхоналар қандай ишляпти?» сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда ҳудудда ибратли фаолият кўрсатаётган бир қанча қўшма корхоналар чет эллик ҳамкорлар билан етарли даражада ҳамкорлик қилолмаётгани, уларда раҳбарият билан касаба уюшма ўртасида жамоа шартномаси йўқлиги, ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қўриқмаётгани хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Яқинда газета чиқиши юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди.

Вилоятда рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар тармоқ қўмиталари томонидан қайтадан ўрганиб чиқилди. Касаба уюшма ташкилоти тузилмасига ишлаб чиқаришлар ҳисобга олинди. Ҳазорасп туманидаги «Хоразм-шакер инвест», Хива туманидаги «Хива Карнед», Урганч шаҳридаги «Азия текстил» қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

Рўйхатга олинган ва иш фаолиятини бошлаган 30 та қўшма корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди. Ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларига ҳам эътибор берилмоқда.

Қўшма корхоналар раҳбарияти ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида жамоа шартномалари имзоланди. Шу ҳужжат орқали ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатта оид муносабатлар ижобий ҳал қилинмоқда. 2002 йил учун тузилган жамоа шартномаларига бир қатор имтиёзлар, тадбирлар киритилишига эришилди.

Жумладан, болалик аёлларнинг иш кунини қисқартириш, қўшимча таътиллалар белгилаш, кўп болали оилалар фарзандларига ўқув қуруллари сойтиб олиб бериш, меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиш, уларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш, санаторийларга бепул ёки имтиёзли йўлланмалар ажратиш каби тадбирлар белгиланди.

Мақолада кўрсатиб ўтилган «Подшипник», «Амероз-индустриас» қўшма корхоналари ўтган йилнинг 6 ойи мобайнида хомашё йўқлиги тўғрисида вақтинча фаолияти тўхтаб турган эди. Ҳозирги кунда ишлар йўлга қўйилиб, уларнинг ҳар бирида 20-25 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. «Голд Лото», «Узқурвел» корхоналари бугунги кунда тугатилди.

Тугатилган корхоналарда ҳодимлар билан ҳисоб-китоб қилиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларини касаба уюшма қўмиталари ўз назоратига олганлар.

Қўшма корхоналар ҳодимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш масаласи вилоят касаба уюшмаларининг келгусидаги иш фаолиятининг ҳам кенг ўрин олади.

М. ЮСУПОВ, Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси.

Бўқа шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, 157 нафар ўғил-қиз бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилинди.

БЕПУЛ СУГУРТА ҚИЛИНДИ

«Йўловчи» сугурта компаниясининг Бекobod шаҳрида жойлашган вилоят филиали директори Раҳаббой Бағиров ана шундай хайрли ишнинг бошида бўлди. Мазкур муассасада тарбияланаётган болалар ҳар бирининг ҳисоб рақамига 10 минг сўмдан, жами 1 миллион 750 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. Табиийки, бахтсиз ҳодисага учрашми ҳеч ким хоҳламайди, бошқаларга ҳам буни раво кўрмайди. Лекин, тасодифларга тўла бу ҳаётда бирон-сизг ҳодисанинг юз бермаслиги ҳақида ҳам ҳеч ким кафолат бера олмайди. Сугурта идоралари ана шундай ҳолатларда тезлик билан кўмаклашиш ҳаракатида бўлишни ўз олдидиларига вазифа қилиб қўйганлар.

Яқинда «Зафар» автобус, такси саройининг ҳодими Раҳматжон Ғойипов кутулмаганда бахтсиз ҳодисага учради. Катта йўлни кесиб ўтаётганида уни йўловчи автомобил уриб юборди. Воқеадан хабар топган сугурта идораси ҳодимлари белгиланган 72 соат ичида Ғойиповнинг уйига шартномада қайд этилган 10 минг сўм маблағни етказиб бердилар. Ғойипов шартнома бўйича компанияга 500 сўм тўлаган эди.

Шу кунгача Тошкент вилояти ҳудудидаги 180 та турли корхона ва ташиқлот жамоалари ушбу сугурта идораси билан шартнома имзолаб, белгиланган маблағни ўтказдилар.

Темур ХАЙДАРОВ.

МАҲАЛЛАДА «ҚАРИЯЛАР БОҒИ»

Жомбой туманида катта миқёсдаги бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Жойларда маҳалла гузарлари барпо этиш қизғин. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

«Ҳақиқат» ширкат хўжалигининг «Журият» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари яқинда хайрли бир ташаббус билан чиқдилар. Хўжалиқдан 2 гектар ер олиб, маҳалла қошида «Қариялар боғи» ташкил этишди. Фаоллар 5-умумтаълим мактаби ўқувчи ёш-

лари билан биргаликда 5 минг тупдан зиёд мева-ли дарахт кўчатлари ўтказишди.

— Маҳалламизда юздан ортиқ қария истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шерназар Имомкулов. — Уларга яхши яшаш шароити яратиб беришга ҳаракат қилаяптимиз. Яқинда Нурунийлар чойхонаси қуриб битказилгани ана шундай эзгу ишларимиздан биридир.

Суратда: «Қариялар боғи»ни яратишда фаол иштирок этган бир гуруҳ маҳалла фаоллари.

Собир деҳқон жамоа хўжалиги бошқаруви идорасига меҳнат ҳақи юзасидан пул ёзиб беришларини сўраб, мурожаат этди. Пахта йиғим-терими мавсумидаги даромаднинг ҳисоб-китоб қилинган, дея жавоб қайтаришди унга. Олдинги берилган пулларга эса хўжалиқ режани бажармаганлиги учун қўшимча даромад киритилмади. Шу йил январ ойида ишлаганларингиз учун эса имкон даражасида ҳисоб-китоб қилганмиз.

Ажабо, ўзича мулоҳаза юритарди Собир деҳқон қачон бизнинг хўжалиқ ҳам қаддини тиклайдию, қўлимиз дурустига пул кўради.

тирикчиликлари ёмон эмас, қишлоқлари ҳам анча обод... Қозонда бўлса чўмичга чиқади, деганлари рост экан. Хўжалиқда 1995 йилдан бери режа бажарилмаяпти. Бултур ҳақ қариндош режаси 80 фоиз атрофида қолиб кетди. Шу ўринда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси

Биз сўз юритаётган Навоий ўғитдан етарли ёрдам кўрсатилмади. Оқибатда шунча майдонга сарфланган меҳнат деярли бесамар кетди. Ҳар гектар ер ҳисобига 10 центнерданга етиб-етмайдиган ҳосил олиндики, бу — ҳатто сарфланган меҳнат ҳаражатларини ҳам қопламади. Энг ажабланарлиси, фермерларга бу йил яқиндан ёрдам кўрсатиш ўрнига ўша экин майдонлари фермерлардан тортиб олинди.

Лекин, таъкидлаб ўтиш жоизки, ишнинг кўзини билганлар, деҳқончилик илмини пухта ўзлаштирганлар ҳар қандай шароитда ҳам пахтадан мўл хирмон кўтариш мумкинлигини исботламоқдалар. Хўжалиқда фаолият кўрсатаётган ва режани муваффақиятли уйдалаган пудратчиларга бугунгизга 85,6 тонна пахта ёғи, 295 тонна шулха тарқатиш кўзда тутилган. Хўжалиқ техника жилворкорлари таъмирлаш ишларини вилоятда биринчилар қаторида уйдалаб қўйганлар. Ҳамма гап сабоқлардан хулоса чиқариб, барчани бирдек ишлашни таъминлашда қолган.

ҚОЗОНДА БЎЛСА, ЧЎМИЧГА ЧИҚАДИ

Ўтган ҳафта уларнинг экинзорлари туташ Андижон вилоятининг «Улугнор» жамоа хўжалигида яшовчи қариндошлариникига тўйга боришди. Очиғи, тирикчиликлари, яшаш шароитлари уларникига қараганда анча яхши. Йил охирига келиб тузуккина «от-чёт» (йил охирига келиб ҳар сўм ҳисобига қўйиладиган қўшимча пул) олишибди ва шу ҳисобдан тўй қилишаётган экан. Олдинги йилларда оила аъзоларининг хўжалиқ дала-ларида ишлаб топган даромадлари бир сафар автомобил олишибди, иккинчи гал иморат қуришибди. Умуман,

мажлисдаги маърузасида таъкидлаган қуйидаги жумлан келтириб ўтаск: «...Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани хўжалиқлари ҳар гектар ер ҳисобига 16,1 центнер ҳосил олган бўлса, тупроқ ва иқлим хусусиятлари бир хил бўлган, сув ва бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминлаш жиҳатидан ҳам бир хил шароитга эга бўлган Фаргона вилоятининг Ёзёвон, Андижон вилоятининг Улуғнор туманлари хўжалиқлари тегишлича гектарига 28,7 ва 20,5 центнердан хирмон кўтариб, шартнома мажбуриятларини бажардилар».

ликлардан бири эди. Лекин кейинги йилларда раҳбарларнинг ўринли-ўринсиз алмаш-тирлавиришлар, экинлар агро-техникаси талабларига эътиборнинг сусайганлиги, энг ачинарлиси, ишловчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун етарлича шарт-шароит бўлмаётганлиги ҳосилдорлик пасайишига, даромаднинг камайишига олиб келди. Ўтган йил хўжалиқ раҳбари янгиланган билан, барибир, сил-жиш сезилмади. Аччиққўл массивидаги 406 гектар ер фермерларга бикритиб қўйилган эди. Уларга техникадан,

Биз сўз юритаётган Навоий ўғитдан етарли ёрдам кўрсатилмади. Оқибатда шунча майдонга сарфланган меҳнат деярли бесамар кетди. Ҳар гектар ер ҳисобига 10 центнерданга етиб-етмайдиган ҳосил олиндики, бу — ҳатто сарфланган меҳнат ҳаражатларини ҳам қопламади. Энг ажабланарлиси, фермерларга бу йил яқиндан ёрдам кўрсатиш ўрнига ўша экин майдонлари фермерлардан тортиб олинди.

Лекин, таъкидлаб ўтиш жоизки, ишнинг кўзини билганлар, деҳқончилик илмини пухта ўзлаштирганлар ҳар қандай шароитда ҳам пахтадан мўл хирмон кўтариш мумкинлигини исботламоқдалар. Хўжалиқда фаолият кўрсатаётган ва режани муваффақиятли уйдалаган пудратчиларга бугунгизга 85,6 тонна пахта ёғи, 295 тонна шулха тарқатиш кўзда тутилган. Хўжалиқ техника жилворкорлари таъмирлаш ишларини вилоятда биринчилар қаторида уйдалаб қўйганлар. Ҳамма гап сабоқлардан хулоса чиқариб, барчани бирдек ишлашни таъминлашда қолган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

«Жиззахплатмасса» очик турдаги хиссадорлик жамиятида бугунги кунда 700 нафарга якин ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, кишлоқ хўжалиги корхоналарига йилгига 7300 тонна плёнка, юртдошларимиз учун турли хил полиэтилен плёнкалари ва бир неча турдаги халқ истеъмоли моллари етказиб берапти.

Жамиятнинг асосий иш фаолияти мавсумий бўлиб, 200 нафарга якин киши ёлланма ишчи, қолган 519 нафари эса доимий ишлайдиганлардир. Эндиликда корхонада маҳсулот турини кўпайтириб, ёлланма ишчиларни доимий ишчиларга айлантириш масалаларини ҳал этиш йўллари изланмоқда. Юпқа пахта плёнкалари, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш цехи бирига, уй-рўзгор буюмлари ҳам ишлаб чиқариш цехи фаолиятни кенгайтирилмоқда. Хусусан, челақ, тоғора, яшиқлар, тухум идишлари, ванна учун пластмасса жиҳозлари — жами 30га якин турдаги пластмасса идишлари ишлаб чиқарилапти. Бу цехдаги жиҳозлар Польша, Олмония, Италиядан келтирилган. Шунингдек, Хитой билан ҳамкорликда чинни буюмлар тайёрлаш цехи фаолият кўрсатмоқда. Корхона қошида Ўзбекистон—Хитой «Тасвир» қўшма корхонаси ташкил этилган бўлиб, ун ва ун маҳсулотлари учун турли ҳажмдаги полиэтилен халталари хариддорларга етказиб бериляпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида 90 миллион 678 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Таъкидлаш лозимки, биринчи чорада ҳар бир ишчининг ўртача ойлик

30 ХИЛ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

иш ҳақи 50-60 минг сўмни ташкил этди.

Корхонада ишловчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Тиббий пункт, 2 та ошхона мунтазам ишлаб турибди. Ишчи-хизматчиларни ишга олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш учун махсус транспорт ажратилган. Тиббий пунктда тиш қўйиш ва да-

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

волаш, томоқ-бурун, физиотерапия, уқалаш бўлимлари мавжуд.

Мана, тўрт йилдири, тажрибали ва малакали

корхона катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

— Утган йили ўтказилган ижтимоий соҳадаги барча тадбирлар учун бир


йиллик юбилей тўйи корхона ҳисобидан ўтказилди. Касаба уюшма кўмитаси томонидан 50 минг сўмлик, корхона ҳисобидан 80 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Беш нафар илгор ишчи олий ўқув юртига ўқишга юборилиб, уларнинг 1 миллион 945 минг сўмлик контракт пули корхона ҳисобидан тўланди.

Корхонада 44 та кам таъминланган оила вакиллари меҳнат қилишда ёрдам берилади. Уларга ҳар йили 25-30 минг сўм атрофида моддий ёрдам кўрсатиляпти. 15 нафар ишчи фарзандларига болалар оромгоҳига белулу йўлланима берилади. 32 нафар ишловчи оиласи билан Самарқандга зиёратга бориб-келди. 26 нафар аёл фарзандлари билан Жиззах шаҳридаги соғломлаштириш марказида чўмилиш ҳавзаларидан фойдаланишлари учун касабакўм ҳисобидан 200 минг сўм ўтказилди.

Шунингдек, корхона касабакўм раисининг бошқа турли тадбирлар, спорт мусобақаларини ҳам уюштирмоқда. Шу мақсадлар учун 200 минг сўм маблағ ажратилди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 26 нафар пенсияга чиқиб ишлаётган ишчиларни зиёратгоҳларга олиб бориш режалаштирилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 1 миллион 67 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бўрибой НОРКУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.



«Файз» холдинг компаниясига қарашли Богдод туманидаги «Файзли-Богдод» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда 20 турдан ортиқ сифатли мебел маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотлар қулайлиги, бежиримлиги, сифати билан хариддорлар эътиборидадир. Шу боис бу ерда тай-

ёрланган маҳсулотга мамлакатимиз, қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларида ҳам талаб катта.

Суратларда: илгор ишчилар Усмон Баҳодиров, Аҳмад Исмоилов.

Муҳимжон ҚОДИРОВ
(ЎЗА) олган сурат.

Истиклол шарофати туфайли хориж билан ҳамкорлик эшиклари кенг очилди. Бугунги кунда биргина бизнинг туманда кўплаб чет эллик сармоядорлар билан биргаликда иш қуритаётган катор корхоналар мавжуд. «Коракўлтёкс», «Чевар» корхоналари шулар жумласидандир.

Учинчи смена бўш келмаяпти

Мен ҳам корхонамизнинг етакчи раҳбарлари, мутахассислар билан бирга чет эллардан келтириладиган макарон маҳсулотлари ўрнини босадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш хусусида кўп ўйлар эдим. Ниҳоят калаванинг учини топишга муваффақ бўлдим. «Фалла банк»нинг вилоят бўлиминдан олинган кредит ҳисобига сира иккиланмай Италия технологияси асосида ишлайдиган янги макарон

цеҳига асос солдик. Орандан кўп вақт ўтмай олинган кредитни ҳам тўлатиш имконияти яратилди. Хар хил ўлчамли, бежирим, махсус халтачаларга қадоқланган макарон маҳсулотларимиз ўз харидорини топмоқда. Аввалгига қеҳни бир, кейинчалик икки, ҳозир эса уч сменада ишлатаямиз. Ойига 30-35 тоннагача сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Отабек Султонов, Шоқир Давлатов, Бахтиёр Турдиев,

Аъзам Дониев сингари смена усталари ва моҳир ишчиларимизнинг гайрат-шижоати туфайли ўсиш суръати тобора ошмоқда. Хавфсиз ишлайдиган ускуналарни ўрнатиб, кадоқлайдиган, қуритадиган мосламалардан янада самаралироқ фойдаланиш эвазига ишда туб бурилишлар ясалмоқда. Маҳсулотларимизни нафақат ўзимизда, балки хорижга сотиш ниятимиз бор. Шу йилнинг ўзида чет эл буржумчиларига камида 100 тонна маҳсулот етказиб беришни мўлжаллаб турибмиз.

Мирзабек АБДУЛЛАЕВ,
«Коракўлдон» хиссадорлик жамиятига қарашли макарон ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

СУВНИ ИЧИШ ЁҚИМЛИ, ҲАҚИНИ ТЎЛАШЧИ?

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида бебаҳо бойлигиниз сўвдан хўжасизларча, назоратсиз фойдаланмаётганини каттик танқид қилинган эди. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига эга муҳим вазифадир. Шунга қарамайдан мамлакатимизда бу қимматбаҳо бойликни исроф қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда.

Ўзининг кўркам табиати билан оламга машҳур Самарқанднинг ширин ичимлик суви танингизга роҳат бағишлагани, чанқоғингизни қондиради. Вилоятда ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 78 фоизни ташкил этди.

Кейинги йилларда аҳолига тўлиқ, тоза ичимлик суви етказиб беришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармасининг директори Ш.Усмоновнинг маълум қилишича, бултур аҳолига 95967 минг кубометр сув етказиб бериш режалаштирилгани ҳолда 78531 минг кубометр тарқатилган. Қувурларнинг носозлиги туфайли об-ҳаётнинг кўп қисми мижозга етиб боргунча исроф бўлган.

рижда ишлаб чиқарилган 17 та сув сарфини аниқлайдиган, бундан ташқари 45 та хусусий, 35 та кўп қаватли уйларга сув ўлчогачи асбоблари ўрнатилди.

Бошқарма тасаруфидан 180 та насос тўлиқ соҳа ҳолатга келтирилди. Режада кўзда тутилган 7,5 километр сув қувуридан 5,2 километри таъмирланди. Шаҳар оқова сувларини тозалаш иншоотлари мосламалари таъмирлаш учун 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

— Шунга қарамайдан шаҳар ва туманлардаги фуқароларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш етарли даражада эмас, — дейди биз билан суҳбатда бошқарма касабакўшма кўмитаси раиси Б.Аҳмедов. — Қувурларнинг 35-40 фоизи хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги учун ҳам вилоят марказининг ўзида ҳар кун 10-15 та бузилишлар учрамоқда.

Ҳақиқатан ҳам бошқарманинг моддий-техника базаси талабга жавоб бермайди. Шаҳарни сув билан таъминлайдиган қувурлар, қудуқлардаги насослар эскириб кетганлиги учун об-ҳаёт тўлиқ етказиб бериш мумкин эмас. Кўпчилик истеъмолчилар, саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалар фойдаланган сувнинг ҳақини ҳозиргача тўлаган эмас. «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармасининг дебитор қарзлари 906318 минг сўмни ташкил этди. Шундан 44002,4 минг сўми аҳоли хиссасига тўри келади.

фоизи бундай асбоблар билан таъминланган, ҳолос.

Шаҳар ва туманларда сув таъминотини яхшилаш учун мавжуд насосларни янги замонавий талабларга жавоб берадиганлиги билан алмаштириш, Чўпонота, Даҳбет, Самарқанд шаҳар оқова сувларини тозалаш иншоотлари, Қўшрабат, Иштихон ва бошқа туманларнинг қурилиши битмаган объектида ишни ниҳоясига етказиш, йилгига камида 15-20 километр қувурларни алмаштириш талаб этилади.

Саттепо масканида қурилиши тугалланмаган сувни қайта кўтарувчи насос станцияси, Мулиён сув тақсимлаш бўғинида ҳажми 10 минг кубометр бўлган оби-ҳаёт ҳавзаси, 4,5 километрли электроўтказгич, Чўпонотада 9,5 километр, университет хибёнида 2,3 километр узунликда юқори босимли қувурларни ўрнатиш, кўп қаватли уйларни ичимлик суви билан таъминловчи 7 та уч босқичли насос станцияларидаги жиҳозларни, кишлоқлар аҳолисини сув билан таъминлаётган 152 та иншоотдан 951 тасини тўлиқ таъмирлаш ва унга 1105,8 миллион сўм маблағ ажратилиши, СП-1 ва СП-3 оқова сувларини қайта кўтариладиган станциялар, кучли босимли қувурларни алмаштириш керак.

Яна бир муаммо. Туманларда электр энергияси узатиш кунига 4-5 мартадан тўхташиб қўйиладиганлиги насос станцияларининг ишдан чиқишига олиб келмоқда.

Вилоятнинг катор ҳудудларида сифатли ичимлик сувига катта эҳтиёж сезилаётганига қарамай оби-ҳаётни исроф қилиш ва назоратсиз фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Корхоналарда, автомобил ювиш шохобчаларида ичимлик сувидан техник мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмоқда.

Сув табиатнинг бебаҳо неъматидир. Ундан тежаб-тергаб, оқилана фойдаланмаслик ўзимизнинг ҳам, келгуси авлодларнинг ҳам ризқини қийиш деган гап.

ЁЛКИН.

Тадбиркорлик

Рашид Ориповнинг касби ҳайдовчилик. У қарийб 25 йил автомобил бошқариб, кишилар узогини яқин, оғирини енгил қилди. Мустақиллик кўнлар қатори Рашидга ҳам эмин-эркин ишлаш учун кенг имкониятлар яратди. Шунга эътибор олиб «Рашид» хусусий фирмаси ташкил этиб, автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган шохобчани ишга туширди. Айни пайтда Бешкент шаҳридаги «Рашид» хусусий жамоаси одамлар мушкулини осон қияпти.

«РАШИД» — ЭЛ ХИЗМАТИДА

— Техникага бўлган қизиқишим маълум шохобчини очишга туртки бўлди, — дейди у. — Шогирдларим Отабек Қулназаров ҳамда Маҳмуд Бобомуродовлар ҳар бир юмушни тез ва соз бажаради.

Устахонадаги саранжом-сарикталик диққатингизни тортади. Асбоб анжомлар тартиб билан қўйилган. Зарур ҳолларда эҳтиёт қисмлар ҳам шу ернинг ўзидан топилади. Кунига 10-15 та автомобилга техник хизмат кўрсатадиган усталар ҳар бир ишни сифатли бажарганликлари учун ҳам мижозлар сони кун сайин кўпаймоқда.

— Менинг автомашинамни фақат Рашиднов техник кўриқдан ўтказди, — дейди Амир Майдон. — Негаки, таъмирнинг сифатли бажарилганлиги техниканинг умрини узайтиради.

Ҳар куни устахона одамлар билан гавжум. Кимдир автомашинасини таъмирласа, яна биров эҳтиёт қисм алмаштиради. Бу юмушларни Рашид Орипов раҳбарлик қилаётган моҳир усталар амалга оширади. Одамларга хизмат қилиб, савоб олишдан ҳам улурок иш бўлмаса керак. Энг муҳими, улар таъмирлаган автомашиналар узоқ хизмат кўрсатмоқда.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ИШСИЗЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Гулистон шаҳар «Дехқон бозори»да Сирдарё вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий таъминот бошқармасининг бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада вилоят ва туманларнинг элликка яқин корхона, ташкилот ва муассасалари иштирок этди.

— Утган йили Гулистон шаҳар меҳнат бўлимига иш сўраб 3077 киши мурожаат қилган эди, — деди вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Абдурашид Абдуллаев «Туркистон-пресс» мухбирига. Уларнинг 1303 нафари доимий иш билан таъминланди. 226 киши янги касб ўрганиш бўйича ўқишга юборилди, 125 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Шунингдек, 537 кишига ишсизлик нафақаси тайинланди. Иш ўрни қисқарганлиги муносабати билан ишнинг йўқотган, ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган, нафақа ёшига етиб қолган 6 нафар фуқарога тақдимнома ёзилди, ижтимоий таъминот бўлимига юборилди.

Айниқса хотин-қизлар, вояга етмаган-

ларни ишга жойлаштириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз, — деди сўзида давом этди А.Абдуллаев. — 2001 йилда шаҳар меҳнат бўлимига мурожаат қилган 772 нафар аёл ва 50 нафар вояга етмаган ўсмирни ишга жойлаштирдик. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Вақтинчалик бир марталиқ иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Гулистон шаҳар меҳнат бўлими қошида вақтинчалик бир марталиқ иш билан таъминлаш маркази ташкил этилди. Марказ қисқа вақтда ишсизларни рўйхатга олиш, уларни иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш бўйича ижобий натижаларга эришди. Утган йили марказ томонидан 103 нафар бир марталиқ иш қидирувчи рўйхатга олинган эди. Улар тўлиқ иш билан таъминландилар. 2002 йилнинг биринчи чорагида эса бир марта иш қидирувчилар сони 535 кишига етди. Марказ ходимларининг сайёҳ харақати билан уларнинг 277 нафари иш билан таъминланди, 21 нафари бошқа касбларни эгаллашлари учун ўқишга юборилди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

БМТ МУТАХАССИСЛАРИГА ЙЎЛ ОЧИЛСА

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр АҚШнинг Ироққа қарши ҳарбий операциялари бошлангудек бўлса, уни қўллаб-қувватлаш мумкинлигини айтиди. БМТ мутахассисларига йўл очилса, Ироқ уларни ўз ҳудудига киритиши лозим, деди у. Бош вазининг таъкидлашича, агар халққаро ҳам-жамият хоҳласа, БМТ мутахассислари истаган вақтда Ироққа кириши ва истаган жойини текшириши мумкин.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ УЧРАШУВЛАР

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ниҳоят Исроилда ўзининг тинчлик сайёҳаракатини кенг қамровда бошлашга муваффақ бўлди. Уни АҚШ президентининг махсус вакили Эн-тони Зинни ҳамда Исроил бош вазири Ариел Шарон кутиб олдилар. Дастлабки мулоқотларда К.Пауэлл Исроил томонидан дарҳол ҳарбий операцияларни тўхтатиш ва Фаластин ерларидан қўшинларини олиб чиқиб кетиш талабини ўртага ташлади. Бунга жавобан А.Ш-

рон бундай тадбир учун бироз вақт кераклигини айтиди. Шанба кун эса давлат котиби Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат билан унинг қароргоҳи жойлашган Рамоллох шаҳрида учрашди.

ВЭНСУЕЛАДА ДАВЛАТ ТҮНТАРИШИ

Сўнгги кунларда Вэнсуела пойтахти — Каракасда сиёсий ва ижтимоий вазият кескин ўзгарди. Асосий касабка ва ишбилармонлар бирлашмаларининг раҳбарлари уч кун муқаддам умумий иш ташлаш эълон қилиб, президент Уго Чавес ҳукуматининг истеъфо беришини талаб қилдилар. Бунга нефт саноатида юз берган инқирозни тугатиш бўйича ҳукумат музокаралар олиб боришдан бош тортганлиги сабаб бўлди. Зотан, Вэнсуела жаҳонда «қора олтин» экспорт қилишда тўртинчи ўринда туради.

150 минг одам қатнашган иш ташлаш пайтида номаълум кимсалар халойикка қарата ўқ уздилар. 13 киши ҳалок бўлди, 100 дан зиёд одам жароҳатланди. Шу аснода юқори мартабали 11 нафар ҳарбий кўмондон давлат бошлиғидан истеъфога чиқишни сўрадилар.

Уларга Миллий гвардия раҳбари генерал Камачо қўшилиб, муваққат ҳукумат тузишни тақлиф қилди. Мудофаа вазири Веласко эса энди президент буйруқларини бажармаслигини эълон қилди. Охир-оқибат У.Чавес истеъфо беришга мажбур бўлди. У ҳозир ҳарбий базалардан қўрибди турибди.

ГАЛДАГИ ШОВ-ШУВ

«Қайдат ал-Жиҳод» Ислом экстремистик гуруҳи «Ал-Ҳаёт» араб газетасига мактуб юбориб, унда «Ал-Қоида» раҳнамоси Усама бин Лоденнинг тирик эканлигини, Афғонистондан аллақачон соғ-омон чиқиб кетганлигини хабар қилди. Ушбу газета Лондонда чоп этилади ва Яқин Шарқ мамлакатларида тарқатилади, дейилади Япониянинг «Kuodo» ахборот маҳкамаси хабарига. Шу тариқа «Ал-Ҳаёт» чиқиши яна шов-шувга сабаб бўлди.

БЕГУНОХ ҚУРБОНЛАР

Колумбиянинг Вильявенсиенсо шаҳрида портлаш юз берди. Ушбу террорчилик оқибатида бегуноҳ ўн икки киши қурбон бўлди. Етмишдан ортиқ одам жароҳатланди. Ҳозирча мамлакатдаги биронта террорчи

СУД РАД ЭТДИ

Бундан бир неча вақт муқаддам судланиб, умрбод қамқоқ жазосига ҳукм этилган Чеченiston жангариларининг кўмондонларидан бири, «машхур» Солмон Радуев яқинда суд ҳукмидан норози бўлиб, Россия Олий судига ўз ишhini қайта кўриб чиқиш, ўзини ҳарбий аср мақомига тенглаштириш хусусида мурожаат қилган эди. Олий суд унинг шикоятини кўриб чиқиб, жиноятчи талабларини инобатсиз қолдирди.

НЕЙТРОН ЭМАС ЭКАН

Чикаго университети фалакитшунослари «Chandга» рентген телескопи воситасида юлдузларнинг янги туркумини кашф қилдилар. Улар RXL-1856 ва ЭС-58 нейтрон юлдузлари устида тадқиқот олиб бориб, уларнинг аслида нейтрон эмас, балки, мавжуд юлдузлар силсиласида номаълум янги туркум экан, деган ҳулосага келдилар.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ҚОРОВУЛЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

Саволларингизга ЎЗКУФКнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими техник назоратчиси Рамзиддин НУРИДДИНОВ жавоб беради

САВОЛ: Бюджет ташкилотларда ишлайдиган қоровуллар 1 ҳамда 1,5 ставка ишлаганларида уларнинг иш вақти бир ойда неча соат, меҳнат таътили неча кун бўлади? Умуман, мазкур касб эгаларининг меҳнати ва унга ҳақ тўлаши борасида батафсил маълумот берсангиз.

Х.МҲИДИНОВ,
Тошкент шаҳри,
А.САНАКУЛОВ,
Қумқўрғон шаҳри.

ЖАВОБ: МКнинг 115-моддасига мувофиқ ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги лозим. Қоровулларга ёки айрим тоифадаги ходимлар учун меҳнат шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзига хос ҳолатларини инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига биноан иш вақтининг узайтирилган муддати белгиланди.

Иш вақти режими, иш вақтининг муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидидаги иш вақти, иш кунлари ва ишланмайдиган кунларнинг набат билан алмашилиши, корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, — ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади.

МКнинг 124-моддасига асосан ходим учун белгиланган муддатдан ташқари (ҳафтасига 40 соатдан ортиқ) ишлаш иш вақтидан ташқари иш дейилади.

МКнинг 157-моддасига асосан байрам кунларида ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касбаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш кунини (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Байрам кунидаги иш учун бошқа дам олиш кунини берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда ҳақ тўланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўллангани мумкин (МКнинг 124-моддаси). Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати хар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан ва йилга бир юз йигирма соатдан ошқ бўлмастай керак (МК 125-модда).

Корхона ходимларига мукофот пули тўлаш меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида,

шунингдек, иш берувчи томонидан касбаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади (МК 153-модда).

Меҳнат кодексининг 72-моддаси бўйича Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишувини, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақида келишувидир.

МКнинг 74-моддасида кўрсатилишича, меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва хар бир тарафга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсининг имзолари билан мултикопияланган, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади. Меҳнат шартномасида тарафларнинг келишувини билан қўйиладиган белгиланади: иш жойи (корхона ёки унинг бўлини); ходимнинг меҳнат вазифаси; ишнинг бошланиш кунини;

меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати;

меҳнат ҳақи миқдори қўшимча таътил ва меҳнатнинг бошқа шартлари

белгиланади.

МКнинг 133-134-моддаларига асосан, барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шартларини баҳолаш услуби-ти асосида белгиланади.

Қоровулларнинг 2 киши бўлиб, ишлаши қонунга зид. Чунки, хар бир ходимнинг иш соати ҳафтасига 40 соат-

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЖОНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИШ БЕРУВЧИ ҲОДИМЛАРНИНГ
ЎЗГАРТИЛМАЙДИГАН
ЎҚУҚИ



Ходимга ўн беш кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътиллارнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномаси билан (агар улар тузилмайдиган бўлса, — касбаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб иш берувчи томонидан) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

дан ошмаслиги керак. Иш соатидан ортиқ ишлаганик учун қўшимча таътил берилмайди. Бундай шартларда меҳнат таътили ҳам, яъни унга тўланадиган ҳақ ва таътил муддати ўзгаради.

МКга асосан иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар корхоналарнинг меҳнат нозирлари комиссияларида қўриб чиқилади.

ЯНА ПЕНСИЯ ХУСУСИДА

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: II гуруҳ болаликдан ногиронман. Мактаб кутубхонасида 28 йилдан бери ишлаб келаяпман. ТМЭК томонидан менга энди 2 йил давомида пенсиямни «тўламаймиз» деган хат келди. Айтишчи, ишлаб туриб пенсияни ҳам тўлиқ олишим мумкинми? **Ф.МАМБЕТОВА,**

келганлиги тўғрисида аниқ маълумот бермаганиз, чунки агар ногиронлик муддати тугаши билан боғлиқ бўлса ёки ТМЭК томонидан Сизга ногиронлиқнинг тугаш муддати аниқ қилиб берилган бўлса, ҳеч қандай хат ёки бошқа ҳужжатларсиз ижтимоий таъминот бўлимидан пенсиянинг ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосан юқорида айтилган 75 фоиз ҳамда 40 фоизлардаги чеклашлар бекор қилинди.

Агар Сизнинг пенсиянгиздан мисол қиландиган бўлса, аввал неча ёшда ногирон бўлганлигингиз аниқланади, дейлик 56 ёшдан ошганингиздан кейин I гуруҳ ногиронлиги белгиланган бўлса, Қонуннинг 17-моддасига асосан Сиздан 20 йиллик иш стажини талаб қилинади. Лекин Сизнинг иш стажингиз 39 йил, демек талаб қилинганидан 19 йил ортиқча хар бир йили учун 1 фоиздан берилса 19 фоиз, таянч миқдори 55%, демек пенсия ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 74 фоизи (55+19) олинган. Бу эса Сизнинг пенсиянгизда Фармондан олдин ҳам иш стажига нисбатан чеклашлар бўлмаган (чунки 75 фоизга етиб бормаган). Шунинг учун ҳам Сизнинг пенсиянгиз ўзгартирилмаган.

САВОЛ: I гуруҳ ногирониман, стажим 29 йил, 1919 йилда туғилганман. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Ҳозир 16950 сўм пенсия оламан. 2002 йил 1 январдан бошлаб пенсиялардаги чеклашлар бўлмайди дейилган эди. Лекин менинг пенсия пулим ўзгармади. Нима учун? **Қаюм ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
Чирочки туман
Охунбобоев жамоа хўжалиги.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг 1-қисмида иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бекор қилинсин дейилган.

Ушбу масала бўйича халигача кўп тушунмовчиликлар бўлаётгани сабабли қонун ҳужжатларига асосан батафсил тушунтириб ўтмоқчиман.

Пенсиянинг миқдори 3-босқич бўйича аниқланади.

1-босқич — пенсияларнинг таянч миқдори ёшга доир тўлиқ пенсия ҳамда I ва II гуруҳ ногиронларига пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоиз миқдоридан;

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун, олинган меҳнатга лаёқатсиз хар бир аъзога бокучисини йўқотганлик пенсияси учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдоридан аниқланади.

2-босқич — иш стажини ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизи; III гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи; кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи; II гуруҳ ёлғиз ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

Уруш йилларида мамлакат ичкарида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларнинг хизматларига қараб — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоиздан 150 фоизгача;

ёшдан қатъий назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистлар — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

театр — концерт ташкилотлари артистлари ва бадий ходимларига, театр ва муסיқа санъати ижодий ходимлари тийиқлиги учун муассасаларнинг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари учун олинандиган иш ҳақининг 75 фоиздан, III гуруҳ ногиронларига белгиланган ногиронлик пенсияларининг ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган иш ҳақининг 75 фоиздан, III гуруҳ ногиронларига белгиланган ногиронлик пенсияларининг ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган иш ҳақининг 75 фоизи.

Саҳифани уюштирувчи:
Д.Аллақулова, «Ишонч» муҳбири.

ИККИНЧИ ГУРУХ НОГИРОНИНИНГ ИМТИЁЗЛАРИ

Саволларингизга ТДЮИ хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедрасининг ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

САВОЛ: мен II гуруҳ ногирониман. Ўзим юртимдаман. ТМЭК комиссиясига аравача сўраб мурожаат қилган эдим, рад жавобини олдим. Шу тўғрисида менга фойдаланиш харажатлари, коммунал хизматлари, телефон учун ҳақ тўлашда имтиёзлар борми? **Суяно БОБОМУРОДОВ,**
Шахрисабз тумани.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронлигининг ижтимоий ҳимояси масалалари» тўғрисидаги 328-сонли Қарори билан «Ногиронликни белгилаш кўрсатмалари рўйхати» тасдиқланган. Ушбу рўйхатнинг «Ижтимоий ёрдам турлари ва уларни кўрсатиш заруриятига олиб келадиган касалликлар, шикастланишлар ва нуқсонлар оқибатлари рўйхатининг III бўлими «а» ва «б» бандларига кўра ногирон ҳаракат воситасига, шу жумладан, аравачага муҳтожлиги ҳақида ТМЭК хулосаси барча турдаги шикастланиш туйфайли икала оёқ ёки кўл-оёқ фалаж ёки ярим фалаж ҳолатида ёхуд оёқлари чўлоқ ҳолатидалиги асосида берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги 2832-сонли «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни янги босқичи

тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «Уй-жой коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар бериландиган шахслар тоифаларининг рўйхати»га, ёлғиз пенсияонерлар, шу жумладан, ўзгалар қарамоғига муҳтож бўлган ногиронлар сув таъминоти, канализация, иситиш, газ ва электр энергия учун ҳақ тўлашдан ва фойдаланиш харажатларидан (уй-жой умумий майдонининг ижтимоий нормаси доирасида) озод қилинадилар. II гуруҳ ногиронининг ёлғиз пенсияонерлар тоифасига тааллуқлигини ва яшаш учун маблағ манбаи йўқлигини ижтимоий таъминот бўлими томонидан, ўзгалар ёрдамига муҳтожлиги эса даволаш муассасаси томонидан белгиланади.

II гуруҳ ногиронлари телефон учун 50 фоизли абонент ҳақи тўлашда имтиёзга эга эмаслар. Бироқ I гуруҳ ногиронлари бу имларақибатлари рўйхатининг III бўлими «а» ва «б» бандларига кўра ногирон ҳаракат воситасига, шу жумладан, аравачага муҳтожлиги ҳақида ТМЭК хулосаси барча турдаги шикастланиш туйфайли икала оёқ ёки кўл-оёқ фалаж ёки ярим фалаж ҳолатида ёхуд оёқлари чўлоқ ҳолатидалиги асосида берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги 2832-сонли «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни янги босқичи

САВОЛ: II гуруҳ ногирониман. Уйимни хусусийлаштириб олганман. Уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан таъмирлаш ишлари бўйича менга қандай ёрдам берилиши керак? **Хонадоним хусусий бўлганлиги сабабли хонадон ҳақини тўламаслигим мумкинми?**

Абдуразаққ УМИРЗОҚОВ,
Бекобод тумани, Зафар кўрғони, Гагарин кўча,
6-уй 1-хонадон.

ЖАВОБ: 1999 йилда қабул қилинган Уй-жой кодексининг 138-моддасига биноан, хусусий мулк бўлган, шу жумладан, кўп хонали (квартира) уйлар, турар-жойлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга кетган харажатлар мулкдорнинг маблағлари ҳисобидан таъминланади. Бу масалада эса ёрдам сўраб маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органига мурожаат қилсангиз бўлади.

Уй-жой кодексининг 132-моддасига кўра, кўп хонали уйлардаги хусусийлаштирилган уй-жой биноларнинг мулкдорлари эгаллаб турган умумий майдонга мутаносиб равишда хусусийлаштирилган квартирга техник хизмат кўрсатиш учун тузилган шартномада қатнашадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

Хамза туманидаги Бобур номи маҳалла аҳолиси ўртасида ҳуқуқий тарбият намунали ташкил этилиб, яхши натижаларга эришилмоқда. Бунда участка нозирини, милиция катта лейтенанти Хусан Ботировнинг

хизмати катта бўлмоқда.

Суратда: участка нозирини Х.Ботиров маҳалла ёшлари ўртасида амалдаги қонуний ҳужжатлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Ф.ХИДИРОВ олган сурат.

ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Жиззах шаҳрида «Сиз қонунни биласизми?» деб номланган республика кўриқ-танловларининг вилоят босқичи якунланди. Беллашувда Жиззах шаҳридаги Отаулла Охунбобоев ҳамда Фаллаорол туманидаги Акмал Икромов номидаги ўрта умумтаълим мактаблари жамоалари галиб бўлди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим ва тарбияни такомиллаштириш, ҳақиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ишларни жонлантириш, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда ёшларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган кўриқ-танлов ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

(ЎЗА).



Касаба уюшма тадбирлари

ОММАВИЙЛИК ШИОРИ ОСТИДА

Самарқандда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қатъи эътибор берилаяпти. Бундан вилоят касаба уюшма жамоалари эришадиган ютуқлардан билиш мумкин.



Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси қарорига асосан 2001 йилнинг энг яхши спортчи, мураббий ва ҳакамларнинг номлари маълум қилинди. Улар орасида Тайлоқ олимпия захиралари касб-хунаро коллежи мураббийси, самбо бўйича жаҳон биринчилиги кумуш медали совриндори Шавкат Жўраев энг яхши спортчи, оғир атлетика бўйича икки карра Осиё чемпиони Ботир Усмонов йилнинг истиқболли спортчиси, Турон якка кураши бўйича вилоят терма жамоаси бош мураббийи Азиз Бобомуродов миллий ва оммавий спорт турларини ривожлантиришга қатъи ҳисса қўшган етуқ мутахассис сифатида тан олинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни, «Соғлом авлод Давлат дастури» ва бошқа меъририй ҳужжатлар асосида ёшларнинг жисмоний етуқлигини мустаҳкамлашга эътибор оширилмоқда. Бултур ва жорий йилнинг ўтган чорагида 70 дан ортиқ турли тадбирлар ўтказилди ва уларда 4 мингга яқин ёшлар иштирок этди. Урта махус ўқув юртлари ўқувчилари ўртасидаги «Баркамол авлод», олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада», аҳолининг кенг табақаларига мўлжалланган «Саломатлик» спартакиадалари, айниқса самарали бўлди. Тармок қўмиталарнинг хотин-қиз спортчилари республика мусобақаларида фахрли ўринларни

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

эгаллашди. «Хотира ва кадрлаш» кунига бағишлаб уюштирилган югуриш мусобақаларида 20 мингдан ортиқ киши қатнашди, Наврўз байрами олдидан ўтказилган эстафетада эса 2 мингга яқин фуқаро иштирок этди. Мазкур тадбирларда вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, касаба уюшмалари кенгаши, «Камолот» ижтимоий гуруҳи, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, корхона ва ташкилотлар томонидан совринлар кўйилди.

Вилоятда фидоий ва жонқур спортчилар ҳамisha шарафланиди. Футбол бўйича ёшлар ўртасида А.Масеосов, боксдан А.Назаров, О.Шкпер, самбодан Р.Фозилов, каратэ бўйича М.Ибрагимовлар хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирлар аънаёнага айланиб қолди.

Жамоаларда «Алпомиш» ва «Барчиной» синов тестларини уюштириш одат тусига кирди. Мавжуд тўрта болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 13 тур бўйича 2 мингдан ортиқ ёшлар шуғулланмоқда.

Муай-тай бўйича Осиё биринчилигида Ж.Нурмахманов, М.Муслимовлар олтин, Д.Пўлатов ва Н.Хожиевлар кумуш медал совриндорлари бўлишди. Оғир атлетика бўйича Хитойда ўтказилган мусобақада Б.Усмонов олтин медални кўлга киритди. Шунингдек, боксчилар А.Фоилов, А.Акрамов, Турон якка курашидан С.Ражабова, Е.Валиева, энгил атлетикадан И.Пак, В.Медниковлар ғолибликни кўлдан бермай қелишяпти.

Сўнги йилларда наманганлик спортчилар мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритмоқдалар. Зеро, Ватанимиз довуғини жаҳонга ёйғатган Темуру Сулаймонов, Муҳаббат Қандақова, Ольга Сон, Севара Қодирова, Елена Квятковская, Сергей Шмелёв, Рустам Мамажонов, Саидали Йўлдошев, ака-ука Бахтиёр ва Шухрат Бозоровлар сингари маҳоратли спортчилар билан наманганликлар ҳақли равишда фахрланадилар.

— Муваффақиятларга эришишнинг ўзи бўлмайди, дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Шокиржон Қорабос. — Барча қулайликларга эга 29 та уйингоҳ, 173 та спорт зали, 22 та сузиш ҳавзаси, 305 тир, 571 та баскетбол, 1754 та волейбол, 375 та кўл тўпи, 563 та футбол ва 422 та кичик футбол майдончалари, 54 та теннис

Муваффақият омили

фардан ортиқ киши турли спорт турлари билан шуғулланмоқда. Уларнинг 260 минг нафаридан зиёди 16 ёшга тўлмаган ўғил-қизлардир. Воёга етмаганлар, боқувчиси йўқлар, ногирон ва нафақахўрлар учун бепул хизматлар ташкил этилганлиги диққатга

сослашган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинларида спорт-соғломлаштириш мажмуаларини бунёд этиш борасида сезиларли ютуқларга эришяпти. Хозирда вилоятнинг 500 дан ортиқ гузар ва Наманган шаҳрининг 60 дан ортиқ маҳалласида ана шундай мажмуалар мавжуд. Бўш турган биналар таъмирланиб, бокс, каратэ, кураш тўғрисида очилмоқда. Чавандозлик азалдан халқимизга хос бўлган фазилат. Ўтган йили «Тулпор» отчопарининг ҳашар йили билан ишга туширилгани минглаб от спортчи ишқибозларини хушнуд этди.

Вилоятда спортчиларни турли кийим-бош ва иншоотларни жиҳозлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда кўшма корхона ташкил этилган. Бу ерда айни пайтда волейбол устунчалари, баскетбол шитлари, теннис анжомлари ишлаб чиқарилмоқда.

Умуман, турли спорт турлари бўйича 12 та жамоанинг мамлакат чемпионатларининг олий табақаларида вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилаётганлиги наманганликлар муваффақиятидан дарақдир. Тилга олиб ўтилган ютуқларда «Наманганавтойул» бирлашмаси, «Наманган-ё», «Намангантўқимачи» корхоналари, «Наманган-савдо» акционерлик компанияси каби ўнлаб йирик ташкилот ва корхоналар ҳамда тадбиркорларнинг беминнат ҳимойили кўмағи муҳим рол ўйнамоқда. Яқинда мамлакатимиз бўйлаб ҳушхабар тарқалди. Республика Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан эълон қилинган ташловнинг «Йилнинг спорт соҳасидаги энг яхши вилоят» номинацияси Наманган вилояти муносиб кўрилди ва биринчи даражали диплом ҳамда кубок билан тақдирланди. Вилоят спортчиларининг мамлакат миқёсидаги бу юксак эътифоди наманганликларни янги-янги зафарлар сари чорлаши, шубҳасиз.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» муҳбири.



эпчиллик ва чаққонлик кўриги «Универсиада-2002» мусобақаларига тайёргарлик нияҳосига етмоқда. Самарқанд Давлат Университети, чет тиллари, тиббиёт, кооператив, қурилиш ва мейморчилик институтларининг талабалари бўлғуси мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

— Самарқанд азалдан довурукли полковлар, жаҳон биринчиликларида соврин олган нуфузли спортчилар маскани бўлиб келган, — дейди биз билан суҳбатда вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Баҳодир Бобомуродов. — Вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Шу асосда шарҳлар ва қишлоқ жойларида, саноат корхоналари ва ўқув муассасаларида оммавийликни таъминлашган қаратилган кўпги-



манов, М.Муслимовлар олтин, Д.Пўлатов ва Н.Хожиевлар кумуш медал совриндорлари бўлишди. Оғир атлетика бўйича Хитойда ўтказилган мусобақада Б.Усмонов олтин медални кўлга киритди. Шунингдек, боксчилар А.Фоилов, А.Акрамов, Турон якка курашидан С.Ражабова, Е.Валиева, энгил атлетикадан И.Пак, В.Медниковлар ғолибликни кўлдан бермай қелишяпти.



Иззат ХИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

корт, 1 та велотрек, 2 та отчопар каби иншоотлардан самарали фойдаланиш ютуқлар омили бўлаяпти. Шу билан бирга, кўлга киритилган муваффақиятларда фидоий мураббийларимизнинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Дарҳақиқат, вилоят бугун халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақалар ўтказилган жойга айланмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида «Навбахор», «Дўстлик», «Ёшлик», «Пахлаван», «Алпомиш», «Динамо», «Шоҳрух», «Делфин», «Кураш» каби спорт иншоотларида ўнлаб беллашувлар ўтказилди. 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида халқаро теннис турнири, кўл жанги ва каратэ бўйича мамлакат чемпионати, велоспортчилар ва шахматчиларнинг халқаро турнири, шунингдек, тазвондо, мини футбол, белбоғли кураш ва каратэ бўйича ўтказилган катор мусобақалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, вилоятдаги замонавий теннис кортларида



биринчилиги саралаш мусобақалари юксак савияда ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги соврини учун «чарм кўлоқ» усталари ўртасидаги халқаро турнирнинг нуфузи йилдан-йилга ошишиб бормоқда. Беллашувларда Россия, Украина, Туркия, Хиндистон, Қозғистон, Грузия, Афғонистон, Қирғизистон каби хорижий мамлакатлар вакиллари катнашмоқдалар.

Мазкур спорт масканларида бугунги кунда 580 минг на-

«САЛОМАТЛИК» СПАРТАКИАДАСИ

Куни кеча Сариосиё туманидаги 2-ўрта мактаб спорт мажмуи ишқибозлар билан ҳаваскор спортчилар билан гавжум бўлди. Бу ерда туман умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассаса ходимларининг аънаваний «Саломатлик» спартакиадасининг 3-босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат ва шашка беллашувларида 349 нафар

таълим ходими иштирок этди. Икки кун давом этган мусобақалар якунида тумандаги 2-, 4-, 5-, 11-, 28-мактаблар вакиллари — Р.Зарипов, Т.Ақбаров, Х.Қурбонов, Х.Назаров, С.Ҳакимов, С.Шукуровлар ғолибликни кўлга киритишди. Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлик ҳамда қимматбахор эсдалик совгалари топширилди.

Р.ДАВЛАТОВ.

АВТОМОБИЛ ХАЛҚА ПОЙГАСИ

Республикамиз пойтахтининг Хамид Олимжон майдонидан старт олган «Автомобил халқа пойгаси»нинг биринчи босқичи қутилган натижани берди. Республикаимизда биринчи марта ўтказилган чемпионатнинг Тошкент шаҳар кубоғи беш босқичдан иборат ҳолда уюштирилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошшаҳарйўловчи» транс» Давлат уюшмаси ҳамда шаҳар автомобил федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган пойгада 28 нафар автопойгачи икки гуруҳда «Формула-1600» русумли автомобилларда старт олдилар. «Юнайтед мотор спорт» командаси вакили Шерзод Жумаев «Нексия» автомобилда ҳаракат қилиб, биринчи ўринни кўлга киритди. Турнирнинг навбатдаги босқичи 18-19 май кунлари ўтказилди.

А.АЛИЕВ.

Кекса дехқонлар баҳорнинг қелишига қараб куз ҳосилини чамалайдилар. Чамаси, бизнинг футболимиз ҳам ўз баҳорини ёмон бошламаганга ўхшайди. Бу, айниқса, «Пахтакор» ва «Қизилқум» жамоалари мисолида янада равшанроқ кўзга ташланмоқда.

Тўрт турдан сўнг максамал очко тўплаб, ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолган, боз устига рақибларини ўн марта майдон марказидан тўпни ўйинга киритишга мажбур этган «Қизилқум» ҳақида ҳар қанча илиқ фикрларни айтса бўлади. Мамлакатимизда яна бир ўзига хос жамоа оёққа туриб олаётганидан ҳар қанча қувонсак арзийди. Тилагимиз битта: зарафшонликларнинг севимили клубига кўз тегмасин, орзулар ярим йўлда қолиб кетмасин. Дарвоқе, «Қизилқум» бешинчи турда Фарғонада Юрий Саркисян шоғирдлари меҳмони бўлиб,

йўлида дадил одамлашда давом этмоқда. Бухорода атоқли жамоага жамулжам бўлган ёш ва эпчил спортчилар намойиш этган футбол ҳеч кимни бефарқ қол-

ди. Ёдингизда бўлса, аввалги турда наманганликлар «Қўқон-1912» жамоаси билан учрашуви майдонда тўққиз киши бўлган ҳолда яқунлаган эсалар-ётганини ҳис қилган Навбахор футболчилари вақтдан ютиш учун тўпни ўйинга киритишни кўп бор пайсалга солганликлари аксиңча натижа билан ту-

«ПАХТАКОР» — ЯККА ПЕШҚАДАМ

илк бор мағлубиятга учрадилар — 2:1. Хисобдан ҳам кўриниб турибдики, бу ғалабага «Нефтчи» осонликча эришмади. Учрашув олдидан ҳам, ундан сўнг ҳам мутахассислар «Қизилқум» тренерига кўндан-кўп муваффақиятлар тилагани беҳиз эмас. Мусобақа шунақа: қайсидир жамоа қоқилса, бошқиси олдидан кетади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Мавсумни жуда яхши бошлаб, киска фурсат ичида мухлислар меҳрини қозонишга улгурган «Пахтакор» эски аънаваларни тиклаш

дирмади, десак асло мулоҳаза эмас. «Пахтакор» шу кунга, агар таъбир жоиз бўлса, қадим ва навирон шаҳарда янгиланган жамоанинг тақдирот маросимини ўтказди. Майдон эгаларидан ҳар жиҳатдан устунлик қилган меҳмонлар йирик ҳисобда (5:0) ғолиб чиқиб, беш ўйин натижасига кўра 15 очко тўплаб, турнир пешқадами бўлиб олди. Ушбу турда ўтказилган яна бир учрашув — «Насаф» ва «Навбахор» ўртасидаги матч ҳам гоият қизиқarli ва муросафис кеч-

да, ғалаба қозонган эдилар. Бу гал энди улар кўпчилик бўла туриб, «Насаф» жамоасига уч очкони бой бердилар. Хисоб — 3:2. Майдон эгаларининг шижоати охир-оқибат ўзининг мантйқий якунини топди. Ва биз яна бир нарсага ишонч ҳосил қилдик: спорт — матонат ва у иродани тоблайди. Зеро, курашмоқ учун майдонга тушиндики, асло чекинма, шунда саъй-ҳаракатларинг албатта муносиб тақдирланажак. Шу ўринда бир мулоҳаза. Ташаббус кўлдан кета-

Футбол

Навбатдаги турда турнир пешқадами барчада ҳурмат ҳиссини уйғотган «Қизилқум» жамоасини қабул қилади.

5-турдан кейинги вазият

	У	Ю	Д	М	Т	Н	О
1. «Пахтакор»	5	5	0	0	14	-1	15
2. «Қизилқум»	5	4	0	0	11	-2	12
3. «Самарқанд-Д»	5	3	1	1	7	-3	10
4. «Насаф»	4	3	0	1	7	-3	9
5. «Зарафшон»	5	2	2	1	7	-3	8
6. «Нефтчи»	5	2	1	2	6	-5	7
7. «Қўқон-1912»	5	2	1	2	6	-7	7
8. «Бухоро»	5	2	1	2	6	-11	7
9. «Навбахор»	5	2	0	3	9	-9	6
10. «Сўғдиёна»	5	1	3	1	5	-6	6
11. «Дўстлик»	5	2	0	3	5	-9	6
12. «Металлург»	5	1	2	2	2	-5	5
13. «Машъал»	5	1	1	3	3	-6	4
14. «Андижон»	4	0	2	2	1	-4	2
15. «Трактор»	5	0	2	3	4	-9	2
16. «Сурхон»	5	0	2	2	3	-11	2

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва аълолар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.50

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Бюрогма Г— 332. 1 2 3 4 5 6